XALQ DEPUTATLAR JIZZAX VILOYATI KENGASHINING QARORI

2023 - yil 6 - yanvar VI-41-2-3-0-K/23 Jizzax viloyati hokimligi

Жиззах вилоятида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича белгиланган минимал миқдорларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 412-моддасига асосан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларнинг 1 кв.м учун 2023 йилга юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича минимал миқдорларини тасдиқлаш бўйича Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 412-моддасига мувофиқ Жиззах вилояти учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича белгиланган минимал миқдорларга киритилаётган камайтирувчи коэффициент 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бунда, юқорида 1-илова билан белгиланган минимал қиймат бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг қишлоқ жойларида кескин ошиб кетишини олдини олиш мақсадида, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши белгиланган минимал қийматга туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, 0,5 гача бўлган камайтирувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эгалиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов ва вилоят Молия бош бошқармаси (А.Рахматуллаев) ҳамда вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Б.Тошпўлатов)га 2023 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор “Жиззах ҳақиқати” ва “Джизакская правда” газеталарида расман эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг jizzax.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**

Xalq deputatlari Jizzax viloyat
Kengashining
2023 yil 6 yanvardagi
VI-41-2-3-0-K/23-son qaroriga
1-ilova

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича 1 кв.метр учун белгиланган минимал миқдорларга нисбатан киритилаётган камаювчи коэффициентлар

№	Шаҳар, туманлар номи	2023 йил учун		
		Солиқ кодексининг 412-моддасига асосан киритилган базавий ставка *(1 кв.м учун,. минг сўмда)*	**Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан қўлланилган коэффициент (0,5-1,0)**	**Солиқ ставкасининг аниқ миқдори** *(1 кв.м учун, минг сўмда)*
1	Арнасой тумани	1 000,00	0,70	700,00
2	Бахмал тумани	1 000,00	0,80	800,00
3	Ғаллаорол тумани	1 000,00	1,00	1 000,00
4	Шароф Рашидов тумани	1 000,00	1,00	1 000,00
5	Дўстлик тумани	1 000,00	0,90	900,00
6	Зарбдор тумани	1 000,00	0,90	900,00
7	Зомин тумани	1 000,00	1,00	1000,00
8	Зафаробод тумани	1 000,00	0,80	800,00
9	Мирзачўл тумани	1 000,00	0,80	800,00
10	Пахтакор тумани	1 000,00	0,90	900,00
11	Фориш тумани	1 000,00	0,60	600,00
12	Жиззах шаҳар	1 500,00	1,00	1 500,00
13	Янгиобод тумани	1 000,00	0,60	600,00